Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 11 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 26 (7023)

Da'vat

Ғирт нодонлик, ҳали у қадар иллат эмас, балки саёз ўзлаштирилган билимларни жамлаш ундан баттардир.
АФЛОТУН

Ibrat

Бухоро тумани деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ва Меҳнат Қаҳрамони Чинни ая Шаропова ҳиммати билан Галаосиё шаҳридаги «Нилуфар» болалар боғчасида 20 ўринли санатория ташкил этилди.

Tadbir

СОҲИБҚИРОН РУҲИГА ТАЪЗИМ

Халқнинг шундай фарзандлари бўладики, уларнинг қилган ишлари, Ватанга садоқати, юрт озодлиги ва ободлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари миллат равнақига қўшган мислсиз ҳиссалари сабаб улар ана шу халқ хотирасида мангу муҳрланади, ҳамиша унинг юксак эҳтиромида бўлади. Буюк саркарда соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг туғилган куни муносабати билан юртимизда бўлиб ўтган катта тўю томошалар юқоридаги фикримизни исботлайди.

Дастлаб тантаналар Тошкентдаги улуғ бобокалонимиз номи билан аталувчи сўлим хиёбондан бошланди. Бу ерга йиғилган жамоатчилик ва пойтахт меҳмонлари Амир Темурнинг шукуҳ ва салобат бахш этиб турган ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйишди. Байрам Темурийлар тарихи Давлат музейи олдидаги майдонда «Барҳаёт сиймо» мавзуидаги илмий-амалий, адабий-мусиқали анжуман билан кечгача давом этди.

Тантаналарда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов иштирок этди.

Шунингдек, худди шу куни Самарқандда улуғ бобокалонимиз туғилган кун ўзгача фахр-ифтихор билан нишонланди. Тантаналар эрта тонгдан буюк саркарда номи билан аталувчи майдондаги соҳибқирон бобомиз муҳташам ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланиб кетди. Сўнгра Амир Темур мақбарасида бўлиб, ҳазрат руҳи олдида таъзим бажо келтирилди. Оммавий сайилларда бадиий ҳаваскорлик жамоалари катта концерт намойиш этишди. Кечга бориб Ҳамид Олимжон номидаги вилоят ўзбек драма ва мусиқа театрида бобомизга бағишланган «Самарқанднома» спектакли кўрсатилди.

Мухбиримиз

Шаҳодат Хидирова (суратда) Ғаллаорол туманидаги 44-ўрта мактабда болаларга инглиз тилидан сабоқ беради. Шу билан бирга «Бойчечак» болалар боғчаси аъзолари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келади. Тажрибали муаллиманинг боғчадаги фаолияти ҳам яхши самара бермоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Sinab ko'ring

ЎҚУВЧИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎҚИШГА ЎРГАТИШ КЕРАК?

«Илгари бола тингловчи эди, энди иштирокчи бўлиши керак. Ўқувчи ўзи ўқиши, конспект олиши, тезис қилиши, яъни ахборот манбаларидан фойдалана билишга ўрганиши лозим», дея Халқ таълими вазири Жура Йўлдошев ҳар бир йиғилишда қайта-қайта такрорлайди. Бу усул ҳозирда ўқитувчилар олдига қўйилаётган улкан вазифаларни, умумтаълим мактабларида ислоҳотларни амалга оширишнинг самарали воситаларидан биридир. Ўқувчиларимизни ўқиганларини ўқиб олишга ўргатишимиз асосий вазифамиз бўлмоғи шарт. Бу вазифани бажаришнинг бош йўли — бу ўқувчиларни, аввало, дарслик билан ишлашга ўргатишдир. Шундагина ўқувчиларимиз дарс жараёнида фаол иштирокчи бўла оладилар. Ана шуни ҳис этган ҳолда биз ўқувчиларимизни тарих дарсларимиз жараёнида қандай қилиб дарслик билан ишлашга ўргатиш йўлларини бундан 3-4 йил аввал тузиб чиққанмиз ва уни «Ўқувчиларни дарсликнинг ўқув матни билан ишлай олишга ўргатиш усуллари» деб атаганмиз.

Бу усуллар қуйидагилардан иборатдир:

— матнни асосий қисмларга ажратиш ва уларга сарлавҳа қўя олишга ўргатиш;

— ўқув матнининг режасини туза олишга ва у асосида матн мазмунини сўзлаб бера олишга ўргатиш;

— матндан дарсликнинг ҳар бир мавзуси охирида берилган савол ва топшириқларга жавоб топа олишга ўргатиш;

— матн охирида келтирилган жадвалларни тўлдира олишга ҳамда мустақил жадвал тузиш учун матн маълумотларидан фойдалана билишга ўргатиш;

ўқилган матн асосида хулоса чиқара олишга ўргатиш;

— алоҳида ажратилиб (курсивда) ёзилган ибораларнинг, сўзларнинг маъносини тушунтириб беришга ўргатиш;

— айрим тарихий фактларни қиёслашга, унинг асосида бу тарихий фактларнинг ўхшаш ҳамда фарқ қилувчи томонларини топа билишга ўргатиш;

— матндаги хулосаларни топа олишга ҳамда бу хулосаларни мисоллар билан изоҳлаб беришга ўргатиш;

— мустақил равишда унча мураккаб бўлмаган хулосалар чиқаришга ўргатиш;

— дарсликда учрайдиган тарихий атамаларнинг маъносини тегишли манбалардан фойдаланиб изоҳлаб беришга ўргатиш;

— параграфлар, боблар ҳамда бўлимларга оид саволларга мустақил жавоб топиш, топшириқларни эса мустақил бажара олишга ўргатиш;

— тарихий жараёнлар ва воқеаларнинг хронологик жадвалини туза олишга ўргатиш;

— дарслик матнидан фойдаланган ҳолда синфдошининг жавобларини оғзаки ҳамда ёзма тақриз қила олишга ўргатиш.

Биз кейинги 3-4 йил ичида ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган бу кўникмаларни ўқувчиларимиз тўла ўзлаштириб олишлари борасида изчиллик билан иш олиб бордик.

Натижада бугунги кунда бизнинг ўқувчиларимиз исталган адабиёт билан, ахборот манбаи билан муомала қила олиш кўникмасини тўла ўзлаштириб олдилар.

Қуйида тажрибаларимиздан мисол келтирамиз:

Маълумки, 1997-98 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ҳам И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини 18 соатлик махсус машғулотлар давомида ўрганишлари белгиланган эди. Биз бу машғулотларни ўқув йи-

(Давоми 3-бетда)

Yaponiyadan xat

ИЛК ТААССУРОТЛАР

Ўтган йили таҳририятимиз ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Газетамизнинг ёш, истеъдодли мухбири Ойбекжон Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси синовларидан муваффақиятли ўтди. Айни кунда у Японияда таълим олмоқда. Япон ва инглиз тилларида бемалол сўзлашади.

Ойбекжон бундан буён газетхонларимизни японлар ҳаётидан, жумладан таълим-тарбия борасидаги янгиликлардан воқиф этиш ниятини билдирди. Унинг илк таассуротларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Токиода об-ҳаво Тошкентга ўхшаб кетади, дарахтлар гулга кирмоқда, ҳаво майин, енгил-енгил шамоллари бор.

Илк таассуротларим шундан иборатки, японлар кундалик ҳаётда ҳам билим олишга, ўқишга ниҳоятда бир ўзгача кўз билан қарар эканлар. Ўз билими устида тиришқоқлик билан ишлаш ҳамда бор тажриба билан кифояланиб қолмаслик оддий мактаб ўқитувчиси ёки ташкилот ходими учун жамият томонидан қўйилган қатъий ва ўзгармас талаб ҳисобланади. Кучлилар ичидан кучлиларни танлаб олувчи жамиятнинг бундай талаби ўзининг бутун маъноси билан японлар турмушига сингиб кетган.

Гарчи муболағали туюлса-да, бир ўқитувчи аёлнинг сўзларини мисол тариқасида келтирмоқчиман. Унинг айтишича, бола ҳали она қорнида эканидаёқ япон отаоналари туғилажак фарзандларининг қайси болалар боғчасига бориши ва ёки қайси мактабда ўқиши маъқул эканлигини муҳокама қилиб, аниқлаб оладилар. Бу шу қадар муҳимки, савияси баланд болалар боғчасини тугатган болагина олти ёшида кучли бошланғич мактаб тестини топшириши мумкин. Билимли ўқувчи эса, ўз навбатида, машҳур университетда ўқий олади.

Ишнинг кўзини билувчи мутахассис бўлиб етишиш юқори баҳоланиши сабаб-ли ҳар ким, ҳар бир ўқувчи ақлий қобилиятини ўстириши учун тинимсиз ўқиш билан банд бўлади. Университетга кириш мақсадида кунига 14—15 соатлаб дарс тайёрлаш япон талабалари учун одатга айланиб кетган. Ҳали мактаб давридаёқ шундай кескин мусобақа, танловга кўниккан япон учун бу кундалик дарсдай кўринса ажаб эмас.

Токиода асосий транспорт воситаларидан бири темир йўл поездлари, метро бўлганлигидан японларнинг ўқишга нақадар кўп вақт ажратишларини поезд вагонларига кирган ҳар қадай чет эллик киши дарҳол пайқайди. Ҳар куни тонгданоқ бекатларда ишга отланган минглаб одамлар оқими қайнайди. Ҳар беш дақиқада келиб турган поезд вагонлари бир зумда йўловчиларга тўлади-қолади. Аксарият йўловчиларнинг бетиним китоб ёки газета-журнал ўқиб кетиши кишини ҳайратга солади. Уларнинг орасидан оддий ишчилару ўқувчилар, қариялару кичкина жуссасига каттагина портфелини елкалаб олган болаларни учратиш мумкин. Бундай манзара дунёнинг бошқа ерида учрамаса керак.

Баъзан японлардан «бу қадар кўп ўқиш чарчатиб қўймайдими?», дея сўраган саволимга «иложи йўқ, вақт бекорга кетиб қолиши мумкин, бошқалардан билимим кам бўлиб қолмагани маъқул», деган жавоблар олдим. Умуман ҳар тўғрида, ҳар мавзуда яхши билимга эга бўлишга интилиш, бошқалардан ортда қолмасликка тиришиш японларнинг табиатига хос хислатдир.

Сакура гуллаганда японларда бизнинг Наврўзга ўхшаган баҳор байрами бўлар экан. Ушанда яна «Маърифат» мухлисларига ҳикоя қилиб бераман.

Ойбек ҲАКИМОВ,
«Умид» жамғармаси совриндори,
«Маърифат»нинг махсус мухбири
Токио

МАЪНАВИЯТ КУНИ

Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида «Маънавият ва маърифат куни» бўлиб ўтди. Бу ишнинг ташаббускори — филология фанлари доктори, профессор Жамолиддин Бўроновдир.

Ўша кунги илк машғулот ўқувхоналарда эмас, балки фаоллар залига кўчирилди. У ерга Президентимизнинг асарлари: «Истиқлол ва маънавият», «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари», «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» ва бошқа китоблар, газета-журналлар қўйилган. Айниқса, ёшлар учун айни кунда жуда фойдали бўлган «Дунёвий давлат ва дин» китоби муҳим янгиликдир. Негаки, кўпчиликнинг ўйидаги кўнгилнинг бузилиши нимадан келиб чиқди, Намангандаги ваҳобийлик ҳаракатининг илдизларини қаердан изламоқ керак, деган саволларга ушбу китобчадан жавоб топиш мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғига биноан, «Дунёвий давлат ва дин» рисоласи материаллари асосида «Диншунослик фани асослари» фанига қўшимча «Мустақиллик ва дин» мавзусида тўрт соатлик маъруза ва икки соатлик амалий машғулот режалаштирилди. Талдаги маънавият ва маърифат кунларида бунга киришилади.

— Савол-жавоб, давра суҳбати, тарихий обидаларга саёҳат, учрашувлар бу куннинг мазмун-моҳиятини очишга тўлароқ хизмат қилади, — дейди бу ҳақда ректор муовини Маннобжон Нишонов. — Бу, эзгу ишнинг бошланиши. Ўйлайманки, бунга талабаларимиз одатланишади.

5 та факультетга бошлари бириккан 3000 нафар талаба ва кўп сонли профессор-ўқитувчиларнинг бу кундан олган таассуротлари янги бўлмаслиги мумкин. Лекин бошланган иш чакки эмас. Чунки маърифат масканлари илм-фанни, маънавиятни тарғиб этишга масъул-да.

С.ОБЛОҚУЛОВ,
университет таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, фалсафа кафедраси мудири, доцент

Rasmiy bo'lim

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ БИЛАН ТУГАЛЛАНАДИ

Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида 1997-98 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи чиқди.

Унда қайд этиладики, барча турдаги умумий таълим мактаблари, махсус мактаб-интернатларнинг 1-11(12)-синфларида ўқув машғулотлари 25 майда, ҳунар таълими муассасаларида эса 30 июндан тўхтатилади.

Меҳнат таълими бўйича амалий машғулотлар ўқув режаси асосида ўтказилади. Чақириққача ёшларни тайёрлаш бўйича ўғил болаларнинг ўқув дала машғулотлари ўқув йили якунланиши олдидан 3 кун давомида шу ўқув фанга ажратилган дарс соатлари ҳисобига мактаб базасида ўтказилади.

Барча турдаги умумтаълим мактабларининг 5—8 ва 10 (11)-синфларида синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари ўтказилмайди. Мазкур синфлар ўқувчиларини синфдан-синфга кўчириш, уларнинг ярим йиллик ва йиллик баҳолари асосида амалга оширилади.

Умумий таълим мактабларининг битирувчи 9, 11(12)-синфлари ўқувчиларининг билим ва кўникмалари оғзаки, ёзма имтиҳонлар ёки тест синовлари орқали аттестациядан ўтказилади.

Барча турдаги умум таълим муассасалари, шу жумладан, кечки (сменали) мактаблар, катталар таълим марказлари ўқувчиларининг билимини якуний аттестациядан ўтказиш:

9-синфларда 26 майдан 10 июнгача;

11(12)-синфларда 26 майдан 17 июнгача амалга оширилади.

Умумтаълим мактаблари, шу жумладан, янги турдаги мактаблар, мактаб-интернатлари, кечки (навбатли) умумий таълим мактаблари, катталар таълими марказлари битирувчилари билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш қуйидаги муддатларда амалга оширилади;

а) Таянч мактабларни битирувчилар учун:

- математика - ёзма -29 май
- она тили ва адабиёти - ёзма (ижодий баён) - 2 июнь
- Ўзбекистон тарихи - оғзаки
- ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда - оғзаки
- рус тили (ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) -оғзаки.
- жисмоний тарбия

б) Ўрта мактабни битирувчилар учун:

(Давоми 3-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари конгресси вакиллари палатасининг ассигнация қўмитаси раиси Роберт Ливингстон раҳбарлигидаги АҚШ конгресси делегацияси аъзоларини қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Бош вазири Месут Йилмаз шу йил 12-14 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1998-2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

• Тошкентда «Ўзбекистон-Грузия» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб, ушбу жамиятнинг раиси, ҳайъат аъзолари сайланди ҳамда Низоми қабул қилинди.

• Шимолий Кореянинг очлик эълон қилган аҳолиси билан бирга халқаро намойишда Рим папаси Иоанн Павел II уларга маслакдош сифатида қатнашиш ниятини билдирган.

• Шу йилнинг май ойида муомалага киритилиши мўлжалланаётган 20 АҚШ долларининг янги намунаси ҳимоя белгилари АҚШнинг 100 ва 50 долларлик пулларидагидек бўлиши кутилмоқда.

• БМТ назоратчилари ва хорижий дипломатлардан иборат гуруҳ Ирокдаги «Президент объектлари» текширувини ниҳоясига етказди, дея хабар беради шу гуруҳ раҳбари Жаянтха Дханапал.

ТЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ МУРАККАБ ЖАРАЁН

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонида ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да таълим тизимини назорат қилиш ва мониторинг тизимини шакллантиришга катта эътибор берилган.

Республика таълим мажмуаси фаолиятини ҳаққоний баҳолашнинг асосий воситаларидан бири тест усули ҳисобланади.

Тест таълимнинг барча бўғинида татбиқ этила бошлади. Ҳозирги пайтда таълим тизимида ўзлаштирган билимининг даражасини, боланинг қизиқиши ва ўқув фанларидан қобилиятини аниқлашда ҳамда ўқув юртларига қабул қилишда тестлар қўлланилмоқда. Бу усул Давлат Тест Маркази (ДТМ) томонидан йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Марказ бу соҳада катта тажриба тўплади ва айни пайтда тест технологиясини мукаммаллаштириб бормоқда. Бу борада кўп вариантли тест тизимининг жорий этилиши, тест топшириқлари банк жамғармасининг бойитилганлиги, тест ўтказишда конфеденциалликка риоя этилиши каби қатор амалий ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

ДТМ ҳар йилги синов натижаларини чуқур ва атрофлича таҳлил этиб, таълим тизимини мукаммаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Республиканинг ҳар бир вилояти, тумани ва мактаблари бўйича натижаларни, ютуқ ва камчиликларни аниқ белгилаб бермоқда. Бу имкониятдан маориф ходимлари самарали фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

(Давоми 2-бетда)

MMM — ХАБАРЛАРИ

SAXOVAT

Hukumatimiz ta'lim sohasiga e'tiborni tobora kuchaytirayotgan ayni vaqtda, qator korxona va tashkilotlar maktab, internat va mehribonlik uylariga ko'rsatayotgan beg'araz yordamlari bilan sohani rivojlantirishda munosib ulushlarini qo'shmoqdalar.

Bunga Samarqand shahridagi 59-maktab-internati ham bitta misol.

Ko'zi ojiz nogiron bolalar ta'lim oladigan bu maktabga bayram kunlarida bayram dasturxonini tashkil etish, zarur paytda nogironlarni bepul transport bilan ta'minlash, bitiruvchi o'quvchilarga moddiy yordam berish shahardagi 14-avtosaroy (direktori O'ktam Haydarov) ish faoliyatining bir qismiga aylanib bormoqda.

Bahrillo BERDIYEV

HAR KUNING BO'LSIN NAVRO'Z

Yurtimizda Navro'z shodiyonalari davom etmoqda. Yaqinda poytahtimizning Shayxontoxhur tumanidagi 185-bolalar bog'chasida ham bayram shodiyonalari keng nishonlandi.

Bayram dasturxoniga taklif etilgan tuman hokimiyati, tuman xalq ta'limi bo'limi xoqimlari, mahalla oqsoqollari bolajonlarning beg'ubor o'yin-kulgisidan, ijro etilgan kuyqo'shiqlardan rohat olganliklarini e'tirof etishdi.

Bayramning ko'ngildagidek o'tishiga bog'cha mudirasi Surayyo Abdulahatovaning jonkuyarligi ish berdi.

Sherali NABIYEV

ADIBNI XOTIRLAB

O'zbekiston Davlat jahon tillari universitetida atoqli adib A.Qahhor tavalludining 90 yilligiga bag'ishlangan adabiy kecha bo'lib o'tdi.

Kechada o'zbek tili va adabiyoti kafedrasining mudiri, dotsent A. Mamatov A. Qahhorning hayoti va ijodiy faoliyati, uning o'zbek adabiyoti rivojiga va hozirgi mustaqilligimizga qo'shgan hissasi haqida o'zi ko'rgan va eshitganlari bilan o'rtoqlashdi, hamda talabalarni qiziqtirgan ko'plab savollarga javob berdi.

Kechada talabalar adib asarlari asosida tayyorlangan sahna ko'rinishlari namoyish qilishdi.

M. NISHONOV

(Боши 1-бетда)

ДТМ бўлғуси абитуриентларга улар мактабда ўқиётган даврдаёқ ёрдам беришни амалга оширмоқда. Тест — адолат мезони эканлигига ишонч йилдан йилга кучайиб бормоқда. Чуқур ва асосли билимга эга бўлган, фикрлаш қобилияти шаклланган ва танлаган мутахассислигига қатъий интилган ўқувчи, албатта, ўз мақсадига эришади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, машқ тарзидаги тест синовларида иштирок этган абитуриентлар имтиҳонда бошқа абитуриентлардан юқорироқ натижага эришганлар. ДТМ томонидан кейинги йилларда республиканинг барча вилоятларида ва Тошкент шаҳрида машқ тарзидаги тестлар ўтказилмоқда.

ДТМ Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 1998 йилда мактабларни битирувчи 4000 дан ортиқ ўқувчилар билан тест синовини ўтказди. Тестлар ижтимоий, иқтисодий, тиббиёт ва техника йўналишидаги ўқув фанлари бўйича ўтказилди. Бу, ўқувчига ўзи танлаган йўналиш бўйича билимларни синаб кўриш имкониятини яратди.

Машқ тарзида ўтказилган тестлар бўйича қандай хулосалар чиқариш мумкин? Аввало, туман халқ таълими бўлимлари

ТЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ МУРАККАБ ЖАРАЁН

тестга ўқувчиларни етарлича жалб этганлари йўқ. Собир Раҳимов, Юнусобод туманларида 500—600 ўқувчи тестларда қатнашган бўлса, бошқа туманлардан эса 5—6 баробар кам ўқувчи иштирок этди. Агар ўқувчиларга тестларнинг моҳияти тушунтирилганда, тест натижалари асосида таълимни мукаммаллаштиришга, ўқувчиларга қўшимча тушунтириш ўтказилиши таъминланганда эди, ўқувчи катта манфаат кўрган бўлар эди.

Тест ўтказиш жараёнида шу нарса кўзга яққол ташланадики, кўпчилик ўқувчилар топшириқни эътибор билан мустақил бажаришга интилса, топшириққа эътиборсиз қарайдиган, жавобларни куч сарфламай, тахминан белгилайдиган ўқувчилар ҳам учрамоқда. Ҳатто жавоб варақасини тўлиқ тўлдирмай топширган ўқувчилар ҳам йўқ эмас.

Тестда иштирок этган ўқувчиларнинг билимидаги кескин фарқлар ҳам кўзга ташланади. Машқ тестларида фан йўналишлари бўйича 130—220,4 баллгача натижа кўрсатган ўқувчилар кўплаб учраган. Собир Раҳимов тумани 242-мактабда тестда қатнашиб 0010479 рақамли жавоб варақасини тўлдирган ўқувчи 220,4 балл, 278-мактабдан қатнашган 2 ўқувчи 198,2 ва 191,0 балл, Юнусобод туманидаги 150-мактабнинг 0010128 жавоб варақасини тўлдирган ўқувчи 221,5 балл, 0010134 жавоб варақасини тўлдирган лицей ўқувчиси 214,2 балл, 83-мактаб ўқувчиси 213,9 балл, 288-мактаб ўқувчиси 213,1 балл тўплаган. Лекин ўқувчилар орасида тестларга жавоб бериб 50—70 балл тўплаган ўқувчилар ҳам йўқ эмас.

Мактабларда тест натижалари асосида ҳар бир фан бўйича иш олиб борилса, ўқувчиларни кириш имтиҳонларига тайёрлашда хайрли иш қилинган бўлур эди.

ДТМ ўқувчиларнинг хоҳиш ва истакларини ҳисобга олиб,тест синовларини яна апрель-май ойларида такрор ўтказишни ҳам режалаштирган.

А.ШОЖАЛИЛОВ,
Э.ҚУРБОНОВ,
Давлат Тест Марказининг мутахассислари

ДТМ tahlili

КЎЗГУДА БУХОРО ВИЛОЯТИ

1997 йил Узбекистон Республикаси-нинг Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш учун ўтказилган тест натижалари бўйича Бухоро вилояти энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Вилоятдан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кириш учун 13073 абитуриент ҳужжат топширган. Улардан 5639 нафари олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқиш истагини билдирган. Вилоят абитуриентларининг имтиҳондаги жавоблар самарадорлиги математикадан ташқари барча фанлар бўйича республика ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган. Она тили ва адабиёт, биология ва кимё фанларидан Республикада энг юқори кўрсаткичга эришилган. Вилоятнинг Вобкент, Қоракўл, Олот туманлари, Бухоро ва Ғиждувон шаҳарлари абитури-ентлари жавоблар самарадорлиги бўйича юқори кўрсаткичларга эришганлар. Тарихдан абитуриентлар жавоблар самарадорлиги Ғиждувон шаҳрида 70,2%ни, Вобкент туманида 62,2% ни, географиядан Бухоро шаҳрида 59,7% ни, биологиядан Жондор туманида 59,9% ни ташкил этган.

Лекин кўрсаткичлар қанча юқори бўлмасин абитуриентлар тайёргарлигини янада яхшилаш, таълимни такомиллаштириш талаб этилади. Чунки вилоятда жавоблар самарадорлиги бўйича Республика кўрсатгичидан паст бўлган туманлар мавжуд. Қоравулбозор (она тили ва адабиёт, физика), Когон туманлари (физика), Когон шаҳри (кимё)да жавоблар самарадорлиги Республика кўрсаткичидан паст эканлиги қайд этилган.

Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлимлари, мактаб раҳбарлари ва фан ўқитувчилари янги ютуқларни қўлга киритадилар, деган умиддамиз.

	Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги %	республика бўйича ўртача кўрсаткич %
она тили ва адабиёт	46,7	43,41
тарих	54,3	49,75
математика	35,7	40,87
физика	30,8	29,26
биология	56,9	53,39
химия	47,7	40,73
география	45,3	43,47
инглиз тили	44,7	40,63
немис тили	30,2	27,94
француз тили	34,9	31,08

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	1093	46.8	420	50.1	99	40.7	574	45.4
2	Қоровулбозор тумани	50	37.3	20	39.3			30	36.0
3	Когон тумани	450	44.3	170	45.8	46	44.7	234	43.1
4	Ғиждувон тумани	1554	46.4	750	48.8	105	45.4	699	44.0
5	Ромитан тумани	881	44.1	282	47.7	85	47.4	514	41.5
6	Вобкент тумани	833	52.1	367	53.6	46	50.6	420	50.9
7	Жондор тумани	1309	49.5	587	51.0	93	47.3	629	48.3
8	Олот тумани	742	46.9	372	47.8	39	47.9	331	45.8
9	Шофиркон тумани	1187	46.5	417	47.7	76	43.9	694	46.1
10	Қоракўл тумани	1052	50.6	420	49.2	64	47.4	568	51.9
11	Пешқу тумани	686	43.3	219	45.7	70	41.0	397	42.3
12	Бухоро шаҳри	1600	44.1	757	50.4	331	38.4	512	38.4
13	Когон шаҳри	224	41.6	58	50.2	43	39.7	123	38.2
14	Ғиждувон шаҳри	108	46.3	60	51.7	8	48.3	40	37.8
	Жами	11769	46.7	4899	49.4	1105	43.0	5765	45.2

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	113	31.8	92	33.7	21	23.5		
2	Қоровулбозор тумани	8	28.1	8	28.1				
3	Когон тумани	65	26.9	52	27.2	13	25.6		
4	Ғиждувон тумани	167	30.1	149	31.1	18	22.4		
5	Ромитан тумани	57	32.1	51	33.2	6	23.1		
6	Вобкент тумани	81	35.8	71	37.5	10	23.6		
7	Жондор тумани	166	33.5	149	35.0	17	20.4		
8	Олот тумани	88	29.8	83	29.7	5	31.7		
9	Шофиркон тумани	120	30.7	103	30.7	17	30.7		
10	Қоракўл тумани	84	32.8	77	33.8	7	21.4		
11	Пешқу тумани	55	29.7	40	27.9	15	34.6		
12	Бухоро шаҳри	262	28.6	165	31.1	97	24.3		
13	Когон шаҳри	27	26.4	13	26.3	14	26.6		
14	Ғиждувон шаҳри	9	29.0	9	29.0				
	Жами	1302	30.8	1062	32.0	240	25.1	0	0.0

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	194	50.6	141	52.8	31	47.7	22	40.7
2	Қоровулбозор тумани	4	50.0	2	58.3			2	41.7
3	Когон тумани	43	51.6	28	54.7	9	45.1	6	47.2
4	Ғиждувон тумани	350	54.9	291	55.7	38	49.1	21	54.2
5	Ромитан тумани	139	53.3	88	56.9	28	53.0	23	39.7
6	Вобкент тумани	186	62.2	148	63.3	21	62.4	17	52.0
7	Жондор тумани	238	51.9	168	51.5	43	56.3	27	47.7
8	Олот тумани	130	48.3	102	47.6	19	51.3	9	50.3
9	Шофиркон тумани	181	56.4	141	56.9	19	54.4	21	54.6
10	Қоракўл тумани	175	54.0	118	53.1	25	46.1	32	63.3
11	Пешқу тумани	103	52.2	66	56.0	19	49.6	18	41.0
12	Бухоро шаҳри	343	53.4	232	57.2	69	46.6	42	43.5
13	Когон шаҳри	31	61.8	15	67.0	7	67.9	9	48.5
14	Ғиждувон шаҳри	34	70.2	31	69.4	3	78.7		
	Жами	2151	54.3	1571	55.8	331	51.3	249	48.7

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	141	48.4	125	50.3	12	35.4	4	27.1
2	Қоровулбозор тумани	6	36.1	6	36.1				
3	Когон тумани	76	49.7	61	52.0	9	51.2	6	23.6
4	Ғиждувон тумани	235	42.6	198	44.5	18	31.9	19	33.0
5	Ромитан тумани	94	44.4	79	48.5	11	25.3	4	17.4
6	Вобкент тумани	110	45.8	103	47.0	3	36.1	4	21.5
7	Жондор тумани	196	50.8	174	53.4	13	32.5	9	27.5
8	Олот тумани	132	52.2	125	53.2	2	50.0	5	28.9
9	Шофиркон тумани	120	43.6	97	45.9	12	44.7	11	22.0
10	Қоракўл тумани	172	48.4	152	50.0	10	52.5	10	20.6
11	Пешқу тумани	83	46.4	69	45.7	9	55.6	5	40.0
12	Бухоро шаҳри	244	51.8	213	54.3	25	37.3	6	23.6
13	Когон шаҳри	24	38.3	15	45.0	5	27.8	4	26.4
14	Ғиждувон шаҳри	5	48.3	5	48.3				
	Жами	1638	47.7	1422	49.8	129	38.8	87	26.7

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	3	41.7	3	41.7				
2	Когон тумани	3	33.3	3	33.3				
3	Ғиждувон тумани	11	44.7	11	44.7				
4	Ромитан тумани	10	45.8	10	45.8				
5	Вобкент тумани	9	45.1	9	45.1				
6	Жондор тумани	14	51.2	14	51.2				
7	Олот тумани	6	50.9	6	50.9				
8	Шофиркон тумани	13	38.2	13	38.2				
9	Қоракўл тумани	8	40.6	8	40.6				
10	Пешқу тумани	5	51.7	5	51.7				
11	Бухоро шаҳри	2	59.7	2	59.7				
	Жами	84	45.3	84	45.3	0	0.0	0	0.0

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	5	20.6	5	20.6				
2	Ғиждувон тумани	137	41.8	119	44.1	18	26.2		
3	Ромитан тумани	29	37.6	22	40.9	7	27.4		
4	Вобкент тумани	26	30.6	23	32.2	3	17.6		
5	Жондор тумани	19	27.9	15	24.4	4	41.0		
6	Олот тумани	52	31.0	42	32.4	10	25.3		
7	Шофиркон тумани	36	33.6	32	33.9	4	31.3		
8	Қоракўл тумани	52	28.2	38	29.8	14	23.8		
9	Пешқу тумани	15	25.9	6	30.1	9	23.1		
10	Бухоро шаҳри	13	42.5	9	48.5	4	29.2		
11	Ғиждувон шаҳри	12	30.6	9	32.4	3	25.0		
	Жами	396	34.9	320	37.0	76	26.2	0	0.0

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	560	35.3	158	48.1	66	37.2	336	28.9
2	Қоровулбозор тумани	24	33.7	12	44.9			12	22.5
3	Когон тумани	265	33.8	87	46.3	36	35.0	142	25.8
4	Ғиждувон тумани	766	35.0	293	43.9	68	36.6	405	28.4
5	Ромитан тумани	473	32.6	107	46.0	58	42.4	308	26.1
6	Вобкент тумани	334	38.5	119	49.9	22	32.4	193	32.2
7	Жондор тумани	645	37.7	261	49.2	54	35.2	330	29.0
8	Олот тумани	273	40.3	150	45.6	24	45.9	99	30.9
9	Шофиркон тумани	562	34.9	188	43.3	52	39.9	322	29.1
10	Қоракўл тумани	375	36.4	156	45.1	39	34.1	180	29.4
11	Пешқу тумани	355	31.0	74	42.8	43	35.5	238	26.5
12	Бухоро шаҳри	914	37.8	294	51.1	250	38.0	370	27.2
13	Когон шаҳри	162	32.8	30	49.2	34	32.2	98	28.0
14	Ғиждувон шаҳри	55	32.8	17	42.2	5	43.9	33	26.3
	Жами	5763	35.7	1946	46.8	751	37.4	3066	28.3

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	149	46.7	115	50.3	34	34.5		
2	Қоровулбозор тумани	2	36.1	2	36.1				
3	Когон тумани	50	45.2	35	49.1	15	36.1		
4	Ғиждувон тумани	151	43.5	134	43.2	17	46.1		
5	Ромитан тумани	99	34.7	63	37.3	36	30.2		
6	Вобкент тумани	89	52.2	77	54.3	12	39.1		
7	Жондор тумани	145	41.6	111	44.7	34	31.4		
8	Олот тумани	67	36.5	57	35.8	10	40.6		
9	Шофиркон тумани	70	40.2	51	45.0	19	27.0		
10	Қоракўл тумани	83	46.2	72	46.5	11	44.2		
11	Пешқу тумани	67	38.5	50	41.8	17	28.6		
12	Бухоро шаҳри	420	48.8	269	55.3	151	37.2		
13	Когон шаҳри	30	42.8	15	57.2	15	28.3		
14	Ғиждувон шаҳри	28	47.0	23	52.1	5	23.9		
	Жами	1450	44.7	1074	48.0	376	35.0	0	0.0

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	385	57.2	158	62.1	16	41.1	211	54.8
2	Қоровулбозор тумани	21	46.8	6	40.3			15	49.4
3	Когон тумани	138	56.7	56	67.2	3	43.5	79	49.8
4	Ғиждувон тумани	485	53.3	220	58.8	12	33.6	253	49.4
5	Ромитан тумани	293	56.9	105	62.0	8	52.1	180	54.1
6	Вобкент тумани	331	57.5	122	60.9	3	38.0	206	55.7
7	Жондор тумани	476	61.3	203	67.2	8	49.7	265	57.1
8	Олот тумани	358	56.6	142	62.8			216	52.5
9	Шофиркон тумани	470	54.1	119	57.2	11	59.8	340	52.9
10	Қоракўл тумани	527	59.9	170	63.9	11	51.3	346	58.2
11	Пешқу тумани	231	51.4	85	57.2	11	57.1	135	47.2
12	Бухоро шаҳри	356	59.6	241	65.0	24	36.7	91	51.4
13	Когон шаҳри	27	56.4	14	61.1	2	31.9	11	54.8
14	Ғиждувон шаҳри	22	48.9	16	50.5			6	44.4
	Жами	4120	56.9	1657	62.2	109	45.1	2354	53.7

Бухоро вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Бухоро тумани	17	29.7	12	30.3	5	28.3		
2	Қоровулбозор тумани	3	34.3	3	34.3				
3	Когон тумани	12	27.5	10	30.3	2	13.9		
4	Ғиждувон тумани	42	27.6	30	29.0	12	24.3		
5	Ромитан тумани	29	28.2	18	29.6	11	25.8		
6	Вобкент тумани	53	34.7	42	35.5	11	31.8		
7	Жондор тумани	42	32.0	35	33.2	7	26.2		
8	Олот тумани	23	26.0	16	27.3	7	23.0		
9	Шофиркон тумани	69	27.8	56	28.6	13	24.4		
10	Қоракўл тумани	12	22.9	12	22.9				
11	Пешқу тумани	27	24.1	20	22.8	7	27.8		
12	Бухоро шаҳри	58	36.9	40	43.8	18	21.5		
13	Когон шаҳри	16	31.8	9	37.0	7	25.0		
14	Ғиждувон шаҳри	3	19.4	3	19.4				
	Жами	406	30.2	306	31.8	100	25.1	0	0.0

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

???

Қишлоқ ўқитувчилари томорқа солиғидан озод қилиш тўғрисидаги имтиёздан фойдаланадиларми?

Ҳотам РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси

!!!

Узбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда чиққан «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонунида қишлоқ ўқитувчиларини ер солиғидан озод қилиш тўғрисида алоҳида бандлари кўрсатилмаган. Шунинг учун ўқитувчилар ҳам барча фуқаролар каби ер солиғини Қонунда белгиланган тартибда тўлаб борадилар.

???

Эшитишимча, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йилги 289-рақамли қарорига асосан, ўқитувчилар ўз иш жойларига 5 километрдан ортиқ масофага қатнаса, фақат шу йўналишдаги жамоат транспортида бепул юриши тўғрисидаги имтиёздан фойдаланар экан. Шу тўғрими?

Уриш САФАРОВ,
Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги бизнес мактаби касаба уюшмаси раиси.

Ўқитувчилар учун бундай имтиёз бўлган эмас.

!!!

Мазкур саволларга Республика Халқ таълими вазирлиги ижтимоий масалалар бошқармаси бош мутахассиси Зулфиқор Холмирзаев жавоб берди.

???

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Пахтакор жамоа хўжалиги Янгиобод қишлоғида истиқомат қилувчи Эргаш Маматов таҳририятимизга йўллаган саволига газетамизнинг шу йил 18 февраль сонидаги «Маърифат маслаҳатхонаси»дан жавоб топиши мумкин.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Япония Бош вазири Рутаро Ҳошимото солиқлар 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида қисқартирилиши ҳақида маълум қилган. Бу чора икки йил ичида Япония иқтисодини инқироздан чиқариш дастури остида амалга оширилмоқда. Ҳошимото жанобларига кўра ислоҳотларнинг умумдастури бундан ҳам катта маблағ, яъни 120 миллиард АҚШ долларини талаб этади. Халқаро ҳамжамият бу лойиҳаларни маъқулласада, лойиҳалар узоқ муддатта мўлжалланганлиги борасида шубҳалар ҳам мавжуддир.

* * *

Россия Президенти Ельцин ва Қозоғистон Президенти Назарбоев Москва учрашувлари чоғида Каспий денгизининг маълум бир бўлагини ўзаро тақсим қилишга келишганлар. Назарбоевга кўра бу ҳужжат шу ой давомида имзоланади.

* * *

Жазоир хавфсизлик кучларига кўра Қурбон ҳайити кунлари 59 киши мамлакатда қатл қилинган. Қотилликлар асосан Ал-Жазоирнинг жануби-шарқий ҳамда жанубий ҳудудларида рўй берган.

ЛОНДОН. «ВВС» ЎЗБЕК ХИЗМАТИ

* * *

Индонезия Халқаро валюта жамғармаси билан қайтадан кўздан кечирилган иқтисодий ислоҳот келишувига келгуси ҳафта қўл қўйиши кутилади.

* * *

Туркиянинг атоқли кундалиги «Ҳуррият»да нашр этилган хабарга кўра Курд ишчилар партиясининг бошлиғи Абдуллоҳ Ўжалан курд телевидениеси билан ўтказилган интервьюсида ўн уч йиллик сепаратизм урушларида отишмалар тўхтатилиши таклифини эълон этган.

ВАШИНГТОН. «АМЕРИКА ОВОЗИ»

КИМКИ ВАФО ҚИЛСА...

1998 yil — Oila yili

Кекса ва заиф бўлиб қолган отасини кўтариб юриб, едириб ичираётган бир инсофли зот сўз мавриди келиб отасига: «Эй муҳтарам ота! Сиз ёш вақтимда мени қандай тарбия этган бўлсангиз, мен ҳам шундай тарбия этмоқдаман, фикримга кўра оталиқ ҳақига вафо этдиму, сизнинг машаққатларингиз ҳақини бердим», — деганида бунга жавобан отаси: «Эй азиз ўғлим! Сендан Оллоҳ рози бўлсин! Тарбиянгдан мен розиман, сенга ташаккур билдираман. Лекин мен сенинг йигитлик кунларингни кўриб роҳатланмоқ ниятида, узоқ умр саломат бўлмоғингни умид қилиб тарбия этганим ҳолда, сен балки менинг дунёдан ўтмоғимни орзу қилиб тарбия қилмоқдадурсан. Зеро, менинг истиқболимдан умиду фойда йўқдир. Энди аҳвол бундай бўлганида менинг тарбиям билан сенинг тарбиянг қандай тенг бўлур», — деган экан. Бундан хулоса шуки, болалар ота-оналарига чинакам муҳаббат билан хизмат қилсалар... ўз болаларидан ҳам хизмат кўрадилар. Агар уларнинг ҳурматларини ўрнига қўймасалар, ўз болаларидан ҳам ҳурмат кўрмайдилар. Бу ҳаётда тажрибадан кўп кўрилган ҳақиқатдир.

Ўғил болалар кўпинча балоғат ёшига етиб эрлар қаторига киргач, бирор касбу ҳунарни эгаллаб, ота-оналарини озгина бўлсада машаққатлардан халос қиладилар. Қиз болалар эса катта бўлгунча ота-онанинг тарбиясига, сарф-харажатларига муҳтож бўладилар. Улар балоғатга етиб, ҳатто турмушга чиққанларидан кейин ҳам ота-онанинг диққат-эътиборидан қолмайдилар, ота-оналар ҳамиша улар учун қайғурадилар. Шунинг учун қиз болалар ота-онанинг қадрини яхши билишлари, уларга чексиз меҳр-муҳаббатли бўлишлари керак.

Қиз бола туғишганларига нисбатан шафқатли, оқибатли бўлиши, ҳар вақт уларни йўлга солиш учун интилиши лозим. Ота-онага итоат этиш, қариндошларини яқин кўриш қизларнинг муқаддас вазифасидир. Қизлик чоғлари тез ўтиб кетади. Бугун кўйгирчоқларини кийинтириб ёки жойнамоз тикиб онаси ёнида ўтирган қиз эртага бошқа бир хонадонда она бўлади. Ота-онага итоатли бўлишнинг афзаллигини, фойдалилигини ўшанда тажрибадан ўтказади.

Ота-она дунёдан ўтганларидан сўнг ҳам уларни доимо ёдда сақлаш, турли яхши ишлар билан руҳларини шод қилиш болаларнинг эзгу бурчидир.

Оиланинг шаънини, ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш ниятидаги инсонлар инсоф йўлидан чиқмасликлари лозим. Инсофсиз кимсалар ҳурмат қозонмайди, бошқаларни ҳам ҳурмат қила олмайди.

Илёс ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Оқ олтин» туманидаги 16-мактаб директори,
Узбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси

ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНИЙ АТТЕСТАЦИЯ БИЛАН ТУГАЛЛАНАДИ

(Боши 1-бетда)

- она тили ва адабиёти
- ёзма (иншо) — 30 май
- математика - ёзма
- 3 июнь
- физика - оғзаки
- кимё - оғзаки
- хорижий тиллар (инглиз, француз, немис)
- оғзаки
- ўзбек тили (ўқиш ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда)
- оғзаки.
- рус тили (ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда) - оғзаки
- жисмоний тарбия

Жисмоний тарбиядан кундузги умумий таълим мактабларининг 4, 9, 11-синф ўқувчилари имтиҳон топширадилар.

Умумтаълим мактабларининг 4-синфларида (таълимнинг 1-босқичи) ва битирувчи 9, 11-синфларида жисмоний тарбиядан имтиҳонлар 1998 йил 12 майдан 22 майга қадар ўтказилади.

Лицей, гимназия, иқтидорли болалар ўқийдиган мактаб-интернатлар, айрим фанларни чуқурлаштириб ўргатиладиган мактаблар ёки синфларда (5—11-синфлар), катталар таълим марказларида бир ёки икки махсус фандан қўшимча имтиҳон киритилади.

Махсус фан бўйича имтиҳон материаллари ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан тузилиб, методбирлашма муҳокамасидан ўтказилгач, директор томонидан тасдиқланади.

Махсус мактаблар, мактаб-интернатларнинг кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи, полиомиелит ва церебрал шол, нутқида нуқсони бўлган, ақлий заиф ўқувчилар учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларида белгиланган муддатларда битириш имтиҳонлари ўтказилади. Бундай мактабларда жисмоний тарбиядан имтиҳонлар ўтказилмайди.

Кар, заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатлари, катталар (кар болалар) таълими марказларида она тили ва адабиет (баён) ва математика фан (ёзма)ларидан, кўзи ожиз, заиф кўрувчи ва полиомиелит билан касалланган болалар мактаб-интернатларида имтиҳонлар умумий таълим мактаблар дастури бўйича ўтказилади. Мазкур мактабларнинг битириш имтиҳонлари материаллари ўқув муассасаси ўқитувчилари томонидан тузилиб, методбирлашмада муҳокама қилинганидан сўнг, директор томонидан тасдиқланади.

Ақлий заиф болаларнинг махсус мактаблари, мактаб-интернатларида фақат меҳнат таълими бўйича битириш имтиҳонлари ўтказилади. Имтиҳонларнинг ўтказилиш муддати мактаб педагогик кенгаши томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Правец-8», «IBM-PC»русумли компьютерлар билан таъминланган, қулай шарт-шароит ва имкониятга эга бўлган 50 фоиз умумий таълим мактаблари 9 ва 11-синф ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини ЭҲМ ёрдамида тест синовлари тарзида; тажриба тарзида 10 фоиз умумтаълим мактабларида физика-кимё, чет тили — рус тили (ўзбек мактабларида), чет тили — ўзбек тили (рус мактабларида)дан ўтказиладиган оғзаки имтиҳонларни икки босқичда блок тизими тарзида аттестация қилишга рухсат берилади.

Ўқувчиларни касаллиги туфайли тиббиёт комиссияси хулосаси асосида битириш имтиҳонларидан озод қилиш ҳуқуқи «Умумтаълим мактаби ўқувчиларини касаллиги туфайли синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 22 майдаги 99-сонли, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1995 йил 23 майдаги 230-сонли қўшма буйруғига ҳамда вазирликнинг 1997 йил 20 февраль 53-сонли буйруғи билан тасдиқланган йўриқнома асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси белгиланган муддатда рус ва ўзбек тилларида чоп этириладиган имтиҳон билетларини (рисола шаклида) ҳамда кўп вариантли дискетларни олиш учун (ҳисоб рақами, коди кўрсатилган) буюртмаларни республика Таълим маркази ҳисобхонасига топширишлари лозим.

Шунингдек, битирувчи синфлар ўқувчилари билимини аттестация қилиш бўйича таълим муассасалари олиб борган ишлар уларнинг таклиф ва мулоҳазалари 1 июлга қадар республика Таълим марказига юборилади ҳамда Таълим маркази ўз навбатида уларни умумлаштириб, вазирлик ҳайъат мажлиси муҳокамасига киритишни таъминлайди.

Марказий Осиё Республикалари ва Қозоғистон ҳудудларидаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар битирувчи синфларини имтиҳон материаллари билан таъминлаш (Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 17 июлдаги 142-буйруғига асосан) қуйидаги вилоят халқ таълими бошқармалари зиммасига юкланади: Андижон вилояти Қирғизистон Республикасига, Тошкент вилояти Қозоғистон Республикасига, Самарқанд вилояти Тожикистон Республикасига, Хоразм вилояти Туркманистон Республикасига.

Республика Таълим маркази зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

— 1998 йил 1 майгача Узбекистон Республикаси ҳудудидаги барча умумий таълим мактаблари, шунингдек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз тилларида ўқитиладиган мактаблар учун битириш имтиҳонлари материалларини тегишли республика халқ таълими вазирликлари билан келишган ҳолда тайёрлаш ва уларни кўп нусхада кўпайтириб, вилоят таълим муассасаларига етказиш;

— жорий йилнинг 20 майигача Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг имтиҳонлар ЭҲМ ёрдамида ўтказиладиган мактаблари учун кўп вариантли дискетлар билан шартнома асосида таъминлаш, имтиҳонлар блок тизимида ўтказиладиган мактабларга ташкилий ва методик ёрдам кўрсатиш.

ЎҚУВЧИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎҚИШГА ЎРГАТИШ КЕРАК?

(Боши 1-бетда)

лининг иккинчи ярмидан бошлаб ўтказаётирмиз.

Давлатимиз раҳбарининг бу асари мактабимиз кутубхонасида етарли миқдорда тўпланган. Биз 1-машғулотимизнинг кириш сўзидан кейин ўқувчиларимизга асарнинг «Мўқаддима»сини мустақил ўқиб чиқиш ва унинг режасини тузиш вазифасини топширдик. Ўқувчиларимиз бу вазифани кўнгилдагидек бажара олдилар.

Мана, улар тузган режа:

1. Асарнинг ёзилиши сабаблари.

2. Собиқ СССР парчаланиши оқибатида вужудга келган янги мустақил давлатлар олдида турган вазифалар.

3. Нега дунё ҳозир ҳам аввалгидек мўртлигича қолмоқда?

4. Узбекистоннинг жўшқин ва собит қадам билан ривожланишини қандай омиллар таъминлайди?

5. Узбекистоннинг миллий хавфсизлигига таҳдид солаётган омиллар ва уларнинг манбалари.

Асарнинг тузилган режа асосида «Мўқаддима» қисми бўйича конспект олиб келишни уй вазифаси қилиб топширдик. Қуйида бажариб келинган уй вазифасидан намуна келтирамиз:

УЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛАЁТГАН ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ.

Президентимиз И. А. Каримов ўз китобларида қуйидагилар давлатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётганлигини ёзган:

1. Минтақавий можаролар.

2. Диний экстремизм ва фундаментализм.

3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик.

4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.

5. Коррупция ва жиноятчилик.

6. Маҳаллийчилик ва уруғ аймоқчилик.

7. Кучайиб бораётган экологик муаммолар, биринчи навбатда Орол денгизининг қуриб бораётганлиги муаммоси. Бундан ташқари Президентимиз китобларида давлатимизнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солаётган бу омилларнинг манбалари ҳақида ҳам ёзганлар. Бу манбалар қуйидагилар экан:

— этник, минтақавий, маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги сепаратизм;

— давлатимизнинг географик-сиёсий ҳолат жиҳатидан коллектив хавфсизликни таъминлаш вазифаси изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашганлиги;

— Узбекистоннинг Россия, Хитой, Ҳиндистон, шунингдек Шарқ ва Ғарб давлатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақада жойлашганлиги;

— Узбекистоннинг этник, демографик, иқтисодий ва ички можаролар юки остида қолган давлатлар билан чегарадошлиги;

— ядровий қурол тарқалиши билан боғлиқ муаммонинг мавжудлиги;

— экологик муаммоларнинг тобора кучайиб бораётганлиги».

Бизнинг иш тажрибамиздан келтирилган мисоллар озгина бўлсада ҳамкасбларимизга фойда келтирса ўзимизни мамнун ҳис этардик.

У. ЖЎРАЕВ,
Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг олий тоифали тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори

Саводхонлик байрами. Бу серқувонч, сермазмун байрам республикамизнинг барча мактабларида, алифбедан илк савод чиқарган жажжи ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, муаллимлари даврасида нишонланмоқда. Саводхонлик байрами яқинда Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 231-мактаб қўчоғида ҳам катта тантана билан бўлиб ўтди.

Суратларда: ўз шогирдлари даврасида бошланғич синф ўқитувчиси Сайёра Қўчқорова ва илк саводхонликдан шодмон жажжи ўқувчилар акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

O'zbekiston—Turkiya hamkorligi

ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ УЧ МУҲИМ ЙЎЛИ

Истиқлол шарофати туфайли, маърифат соҳасида юксак поғоналарни кўзлаб, ҳам иқтисодиётда, ҳам маънавият ва маданиятда жаҳон миқёсидаги ютуқларни забт этишга киришаяпмиз. Зеро, муҳтарам Президентимиз бир неча марта таъкидлаётганидек, бу борада инқилобий фаолиятмас, босқичма-босқич ўзгаришлар асқотади. Шунга кўра ҳаётнинг барча жабҳаларида, жумладан таълим-тарбияда ҳам изланиш-интилишлар давом этаётирки, уларнинг яхши самаралар билан якунланиши учун мамлакатимизнинг бир қанча чет давлатлар, хусусан, Туркия билан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунга кўра диққатингизни ўзбек-турк лицейлари фаолиятига оид айрим кузатишларга тортмоқчиман. Ўзбек-турк лицейлари Ўзбекистонимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахтимиз Тошкентда, жами йигирма иккита бўлиб, улар таълим-тарбияда мазмунли ишларни олиб боришяпти. Тунжай Ўзтурк раҳбарлик қилаётган бўлим ходимларининг ибратли ишлари ўзига хос замин вазифасини ўтамоқда. Мана, уларнинг изланиш-интилишлари натижаларидан айрим мисоллар: «Ўзбек ҳикоялари антологияси», «Турк ва жаҳон адабиётидан тўпламлар» номли икки китоб, «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» рисоласи, «Ўзбек тили ва адабиёти», «Математика», «Физика», «Кимё», «Биология», тест китоблари, «Чет элликлар учун ўзбек тили» дарслиги, «Иқтисодий география асослари», «Таълимда рейтинг тизими», «Ўзбекча-туркча луғат», инглиз ва турк тилларини ўргатишда фойдаланиладиган аудио ва видео кассеталар... Булар Бош мудирликда амалга оширилган ишларнинг фақат бир қисми, холос. Уларнинг юзага келишида бевосита ўша ўзбек-турк лицейлари раҳбарлари, масъул ходимларининг ҳам ҳиссаси оз эмас.

Юқорида тилга олинган китоблар, рисола ва тўпламлар, бошқа ўқув қуроллари, воситаларига оид таъкиднома эса «Истиқлол ғунчалари» журналнинг 1997 йил 4-сонидаги Тунжай Ўзтуркнинг мақоласида эълон қилинган. Хуллас, буларнинг бари ўзбек-турк лицейлари таълим-тарбия ишларида ибратли жиҳатлар борлигидан далолат бермоқда.

Бу ўринда мен Абдурозиқ Рафиевнинг «Замонавий таълим» (1997 йил, 1-сон)даги мурожаатномасидан олинган қуйидаги фикрларга алоҳида эътибор қилишингизни истардим: «Ҳар бир ўқитувчининг ўз фанини ўқитиш назарияси ва усулиётини пухта билиши, унга бугунги таълим талаблари асосида ижодий ёндаша олиши, жаҳонда самарадорлиги билан тан олинган ва оммалашган методларни қўллай олиши давр тақозосидир». Албатта, таълим амалиёти ва назариясига ижодий ёндашиб, уни жаҳон андозаларига мослаштирган ҳолда мунтазам янгилаб туришни талаб қилиш қийин эмас. Аммо бу талаб ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмайди. Бунинг учун ҳам муаллим, ҳам ўқувчига биринчи галда амалдаги эркинлик руҳи йўғрилган қулай шарт-шароит зарур. Иккинчидан, ўқувчиларни энг қобилиятли, қобилиятли ва қолоқ тоифаларга ажратиб, ҳар бири учун ўзига хос таълим усулини қўллаш тақозо қилинадики, буни В. Шарипов юқорида тилга олинган мақоласида жуда тўғри кўрсатган. Учинчидан, ўқитиш усулининг тушунтириш, мунозара, ҳаётий мисоллар орқали муаммоларни ёритиш каби уч асосий йўлидан унумли фойдаланиш муҳимлиги муаллифнинг мақоласида жуда ҳаққоний ёритилган. Айниқса, мен мунозара воситасига алоҳида урғу беришни истардим. Негаки, собиқ Шўро даврида мактабларда, ҳатто олий ўқув юртларида ҳам бир-бирларига қарама-қарши ҳар хил фикрлар, нуқтаи назарларни ўртага ташлаб, мунозара қилишга йўл қўйилмас эдики, бунинг асоратлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Шунингдек, ўқувчиларга бирор мавзуни ўргатиш ёки уларда муайян кўникмаларни ҳосил қилиш ва уни амалиётда тўғри қўллаш хусусида мустақил фикр юритишга имкон берилмасдики, оқибатда таълим-тарбия реал воқеликдан узилиб қолганди.

Ўқитиш, таълим бериш усулиётидаги уч муҳим йўл — тушунтириш, мунозара ҳамда ҳаётий мисоллар орқали муаммолар ечилиши, кўрсатиш воситалари қанчалик муҳим аҳамият касб э тиши «Замонавий таълим», «Истиқлол ғунчалари» журналларидаги мақолаларда юқори талабчанлик билан ёритилгани диққатга сазовордир. Айни чоғда бу воситалар, айниқса, баҳс-мунозара, мустақил фикрлаш, ижодий ишлаш фақат таълим-тарбияга эмас, балки бу ҳақдаги илмий-услубий қўлланмалар, дарсликлар, рисолалару мақолаларга ҳам бевосита дахлдордир. Айниқса, мустақил фикрлаб, ижодий фаолият кўрсатилмаса, шу жараёнда қарама-қарши нуқтаи назарлар тўқнашиб, қизғин баҳслар юритилмаса, камчиликлар моҳияти ёритилмаса, олға илгарилаб бориш, эришилган зафарларни мустаҳкамлаб, юксак ғалабалар қозониш амримаҳолдир.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Uslub

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЭРК ВА ОЗОДЛИК ҒОЯЛАРИНИ ЎҚУВЧИЛАР ОНГИГА СИНГДИРИШ

Миллий мактаб яратиш йўлидаги изланишларнинг дастлабки қадамлари сифатида бугун «Ўзбек адабиёти» дарсликлари ва ўқув дастурлари янгидан бунёд этилди. Бугун адабиёт муаллимлари зиммасидаги масъулият юки янада залворлироқ бўлиб қолди. Янги дастурлар ва дарсликлар асосида ёш авлодни миллий руҳда тарбиялаш ва таълим бериш учун турли-туман дарс услуб ва шаклларидан фойдаланиш орқали кузланган мақсадга эришиш мумкин, деб ўйлайман.

Мен адабиёт дарсларида асар мазмунини ўзлаштириш давомида ўқувчиларни турли-туман муаммоли саволларга жавоб излашга жалб этаман.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётининг ўлмас дурдоналари ёшлар маънавиятини юксалтириб, улар кўнглида поклик, ҳалоллик, инсонийлик каби туйғуларни юксалтиришга хизмат қилувчи омилдир. Эски тузумдаги тубдан фарқли ўлароқ, ҳозирги «Ўзбек адабиёти» дарсликларида мумтоз адабиёт намуналарини ўрганишга анчагина ўрин ажратилган. Ҳазрат Алишер Навоий сиймоси ва унинг ўлмас асарлари ҳақидаги билимларни ўқувчиларга етказиш адабиёт дарсларида етакчи ўрин эгаллайди. 6-синф учун мулжалланган «Ўзбек адабиёти» дарслигида мутафаккир шоирнинг «Кабутар» ҳикояси ўзида эрк ва озодликка интилиш ғояларини мужассам этгани билан Ватанимиз истиқлолга эришган бугунги кунда янада қимматлидир.

Ҳикоят мазмунини ўқувчилар луғат ва ўқитувчининг шарҳи ёрдамида ўзлаштирадилар. Унда берилган воқеа мазмуни билан танишганларидан сўнг ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этилади (Саволлар дарсликларда берилган саволлардан фарқ қилиши, фикрлашга, хулосалар чиқаришга жалб этиши лозим).

Тахминан саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Кабутарнинг суви, дони бўла туриб, нега шоҳ саройида қолгиси келмади? Кун бўйи сув, дон излаб юргандан, тайёр шароит афзал эмасмиди?

2. Кабутар нега ўз уйи томон жуда шошилиб учди?

3. Уйи вайронага айланган кабутар нега бошқа ошён изламади?

4. Кабутарнинг қафасдан озод бўлиши орқали шоир қайси ғояни илгари сурган?

5. Ҳикоятда илгари сурилган ғоянинг бугунги ҳаётимиз билан қандай алоқаси бор?

Юқоридаги каби саволлар билан мурожаат қилиш орқали ўқувчилар асар мазмунини, унинг ғоясини фақат ўқитувчи баёни билан эмас, балки ўзларининг фаол иштироклари билан ўзлаштиришга эришадилар. Ўқувчилар саволларга хилма-хил жавоб беришга, бир-бирларининг фикрларини тўлдиришга ҳаракат қиладилар. Натижада, ўқувчилар эркин нутқ сўзлашга, мустақил фикр юритишга ўрганиб борадилар, чунки юқоридаги саволлар ўқувчиларни дарсликда берилган изоҳлардан бошқачароқ гапиришга ўргатади. Болалар ҳикоят орқали фақат Кабутарнинг саргузаштларини билиб қолмай, балки ҳикоят мазмунидан хулосалар чиқарадилар ва ниҳоят мустақиллик, эрк тушунчалари нақадар муқаддас эканлигини англаб етадилар.

Худди шу услубни Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийларини ўрганиш чоғида қўллаб, уларнинг чуқур инсоний дард билан яратилгани, уларда Ватан соғинчининг бетакрор ифодалари акс этишининг сабаблари шоирнинг мураккаб ҳаёт йўли билан боғлиқ эканлигини ўқувчилар ўзлари англаб етишлари учун ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун ўқувчиларга аввало, шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилади. Кейинги дарсда унинг рубоийлари таҳлил этилади. Рубоийларни ўқитувчи ифодали ўқиб, улар мазмунини шарҳлаб беради. Шундан кейин ўқувчилар фикрини янада ўйғотиш учун муаммоли вазият қўллаш керак бўлади.

Бунда ҳам ноанъанавий саволлардан фойдаланган маъқул:

1. Нима учун Бобур ўз рубоийсида «Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топкусидир», — деган хулосага келди?

2. «Беқайдмену хароби сийм эрмаемен», деб бошланувчи рубоийни шоир қачон, қандай кайфиятда ёзган, деб ўйлайсиз?

3. «Ёд этмас эмиш ғишини ғурбатда киши» рубоийсида шоир қалбини қийнаган ҳислар нималар билан боғлиқ?

Шу каби саволлар ўқувчиларга шоҳ ва шоир Бобурнинг ҳаётини, унинг армонлари, орзуларини юракдан ҳис этишлари, шу билан бирга рубоийлар таҳлилида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларига ёрдам бериб, айни чоғда, мураккаб даврий санъатларни ҳам эсда сақлашлари учун муҳим восита ҳисобланади.

Ўлмас ҚАҲҲОРОВА,
Тошкент шаҳридаги 114-мактабнинг Она тили ва адабиёти фанлари ўқитувчиси

МИЛЛИЙ МАРКАЗНИНГ МАЪНАВИЙ СОВҒАСИ

Республикамизда Давлат тилини ўқитишга таълим бошқа тилларда олиб бориладиган ўқув муассасаларида ҳам эътибор кучайиб бормоқда. Бу ўз навбатида ўзбек халқининг тили, урф-одатлари, миллий қадриятларига ҳурмат ҳиссини камол топтиради. Бу борада Навоий тумани Файзулла Хўжаев номли 2-мактаб ўзбек тили ўқитувчиси Сабоҳат Аъзамованинг ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Моҳир педагог бир соатлик дарс жараёнида бутун синф билан ишлайди. Келишиклар мавзусидаги сермазмун, ижодий дарсининг гувоҳи бўлиб, унга ҳавас қилдим. Дарснинг мақсади; ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш, ўзбек ва рус тилларида келишикларнинг қиёсланиши, ўқувчиларда онага бўлган муҳаббатни ошириш. Турли ижодий ўйинлар учун кўргазмали қуроллар, магнит тасмаси, ота-она тўғрисидаги ҳикматли сўзлар дарс учун алоҳида тайёрланган, синф икки гуруҳга бўлинган — «Келишиклар» ва «Падежи». Ўқувчиларга магнит тасмасидан «Она» шеъри эшиттирилиб, келишик қўшимчалари учраган сўзларни ёзиб олиш топширилди ва текшириб муҳокама қилинди. «Вақт белгилмайди» ўйинида «Келишиклар» гуруҳига келишик қўшимчаларини саволлари билан мисоллар орқали айтиш, «Падежи» гуруҳига эса падежлар ва қўшимчаларини саволлар билан тушунтириш топширилди. Дарсни ўзлаштириш мусобақаси авж олиб кетди. Навбатдаги «Тез ва тўғри» ўйинининг шарти оналар ҳақида гап тузиб келишик қўшимчаларини аниқлаш бўлди. Бир неча дақиқада якунланган ўйин натижаси эълон қилингач, синфга расм берилди. гуруҳлар сарлавҳа топиб, 4 тадан гап тузишлари керак эди. Гапларда келишик қўшимчалари албатта иштирок этиши таъкидланди. «Ким ғолиб» баҳси ҳам қисқа муддатда берилган гапни ўзбек ва рус тилида келишикларни солиштириб ўзлаштиришга асосланган бўлиб, зукко ўқувчилар иши алоҳида ўртоқлашилди.

Ўқитувчи ўтилган дарсни машқлар ёрдамида мустаҳкамлади ва талай саволларга намунали жавоб бериш билан дарсни якунлади.

Тилни ўргатиш алоҳида педагогик маҳорат ва ижодий изланиш билан бирга, Давлат тилига тўғри муносабатда бўлишни ҳам талаб қилади. С. Аъзамова сингари жонкуяр устозлар сафи кенгаяверсин.

Т. НИЁЗМЕТОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

Fanimiz fidoyilari

ИНСОН ИБРАТИ

Урта бўй, жуссаси ўзига ярашган, кўз-қоши қоп-қора, буғдойранг Шамсиддин Шаропов камтар, камсухан киши. Таржимаи ҳоли ҳам кўп қатори. Аммо Ватани, халқи учун қилган хизматлари, ўсиб келаётган ёш авлодга, ўқитувчиларга бераётган таълим-тарбияси уни устозлар устозидай ардоқли қилган. Йирик монографик асарлари, рисолалари, илмий-методик мақолалари олимлар орасида ўз ўрнига эга бўлдирган, кўпгина илмий, методик ва бадиий асарларга масъул муҳаррирлиги эса, ёзувчилар, журналистлар ўртасида номини машҳур этган.

1960 йилда университетни тугаттач, Ш.Шаропов устозларининг маслаҳати билан ассистент бўлиб ишга қолди. Орадан бир йил ўтгач, аспирантурага кирди. 1965 йили тарих фанлари номзоди, 1990 йилда эса тарих фанлари доктори бўлди. Энди етук олим маъруза ўқиш ёки амалий машғулот ўтказиш билан чекланмасдан, сиёсий тарбия, одамийлик тарбияси, китобга муҳаббат тарбияси билан ҳам шуғуллана бошлади.

Шамсиддин аканинг фанга қизиқиши, раҳбарларга хос истеъдоди, ташкилотчилиги, талабчанлиги, ҳалолпоклиги факультетдагина эмас, университет маъмуриятининг ҳам назарига тушишга сабаб бўлди. 1975 йили Ш.Шаропов Хорижий фуқаролар тайёрлов факультетининг декани этиб сайланди. 1980 йилда эса, университетнинг халқаро алоқалар бўйича проректори бўлди. Декан ва проректорлигида ўзининг диққат-эътиборини талабаларнинг илмий ишлар билан шуғулланишларига қаратди. Улар учун ҳамиша вақт топди, шарт-шароит яратди. Талабалар илмий конференцияларида тингланган маърузаларнинг кўпчилиги мукофотларга, диплом ишлари эса мазмунли, маъноли ёзилганлиги учун ҳимояга тавсия этиларди. Ҳар йили дорилфунун талабаларининг илмий ишлар тўплами жамланиб, китоб ҳолида чиқариларди.

Шамсиддин Шароповнинг 10 та монографияси, 150 дан ортиқ илмий-оммабоп асарлари, мақола ва рисолалари чоп этилди. Уларда касаба уюшмалари ғояси, олий таълим тизими, Президент ва ҳукуматимизнинг омма ўртасида ташвиқ-тарғиб қилиниш йўл-йўриқлари кўрсатилган.

Олимнинг илмий алоқалари кенг. Москва, Киев, Таллин, Боку, Олмати, Бишкек, Ашхабад каби шаҳарларда илм-фан ривожи учун ўзининг бутун куч-ғайратини бағишловчи фалсафа, тарих, адабиёт, сиёсатшунослик каби соҳаларда ўзаро ёрдамларга асосланган ҳамкорликлари мавжуд.

Узбекистонлик талабалар, тингловчилар, балки Санта-Клара (Куба), Вьентьян (Лаос), Аман (Иордания), Берлин (Олмония) каби университет талабаларига тааллуқли халқаро ва республика конференцияларида, симпозиумларда (Москва, Санкт-Петербург, Ереван, Олмати, Душанба илмий маърузалари билан қатнашган. Европа, Осиё ва Лотин Америкасининг кўпгина давлатларига делегат ва делегат раҳбари сифатида кўп марта сафарда бўлган.

Профессор Ш.Шаропов 1993 йилда Тошкент давлат университети қошидаги Олий Педагогика институтига директор этиб тайинланди.

Узбекистон мустақил бўлгач, ижтимоий-гуманитар фанлар қатори тарих фани олдига ҳам масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Собиқ СССР даврида бузиб ёзилган тарихимизни адолат тарозисига солиб, қайтадан, янгича қарашлар, янгича ёндошувлар билан ёзиш керак эди. Жонкуяр профессор Ш.Шаропов тарихга ҳиссасини қўшишга аҳд қилди. Натижада у бошчилигида «Узбекистон сиёсий тарихи дастури», «Узбекистон тарихи», «Узбекистонда демократик жамият қуриш амалиёти ва назарияси» курсининг дастури ишланиб ўқувчилар қўлига етказилди.

Шамсиддин Шаропов олтмиш ёшга тўлди. Биз ҳам у кишини таваллуд топган куни билан табриклаб, серқирра ўқув жараёнини, илмий ижодий ишларини, раҳбарлик фаолиятини қайнар булоққа қиёслаб, доимо булоқдек қайнаб, жушиб юришга тилакдошмиз.

Ахмаджон ДОЛИМОВ,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими,
Ўтамурод НУРМУҲАММЕДОВ,
Филология фанлари номзоди, доцент

МУҚАДДАС МАКОН ШОДИЁНАСИ

Оила — муқаддас макон. Бу ерда барча эзгу ниятлар, яхшиликлар пойдеворига асос солинади. «Тарбия боши бешикдан» деган ақида мавжуд. Демак, ҳар бир оиланинг турмуш тарзи, маданияти, барча ютуқларию камчиликлари ҳеч қайсимизни бепарво қолдирмай, ижобий хулоса чиқаришимизга чорлаши табиийдир. Ушбу мақсадда жорий йилнинг «Оила йили» деб белгиланишида ҳам кўп маъно бор. Зеро, бугунги кунда жойларда ўтказилиб келинаётган турли хил тарбиявий, маданий-маърифий чора-тадбирларнинг асосий мазмуни ва ўзагини ана шу муқаддас оила манфаатлари қамраши аниқ. Яқинда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманининг Паргос қишлоғи аҳли ҳам ана шундай ташаббус билан чиқиб «Ибратли оила» танловини ўтказди.

Беллашувда Бўғибоевлар, Ўрисбоевлар, Қулмоновлар ҳамда Усупбоевлар оилалари қатнашдилар. Танлов дастурига биноан қатнашчилар қандай танишғанлари, биронта қизиқарли воқеани эсга олишлари, эр-хотиннинг оиладаги ўрни, бурчи ва вазифалари, ҳуқуқий маданияти ва замонавий оила — унинг тарихимизга, маданиятимизга муносабати ҳақида фикр билдиришлари, оилавий ҳаётдан тайёрланган муаммоли кўриниш ижро этишлари ҳамда оила бюджетини режалаштиришда тежамкорлик, саранжом-саришталик вазифаларига оид ўзларининг мулоҳазаларини билдиришлари лозим эди.

Мазкур танлов давомида қишлоқ худудидаги «Лола» боғчаси тарбияланувчилари, 5 ва 9-мактабларнинг бадиий хаваскорлари, «Сарке» вокал-чолғу ансамбли ва миллий карнай-сурнайларимиз ўзларининг дилрабо қўшиқларию оҳангдор садолари, чиройли рақслари билан томошабинлар қалбини хушнуд қилдилар.

Танлов якунида ҳайъат аъзолари хулосасига кўра Ўрисбоевлар ва Қулмоновлар «Паргос» қишлоғининг «энг ибратли оилалари» деб эълон қилинди. Бўғибоевлар ва Усупбоевлар фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлишди. Уларга танлов ҳомийлари — «Паргос» қишлоқ фуқаролар йиғини ва Товоқсой маиший химия ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоалари совғалар улашди. Ушбу тадбирни ўтказишда маҳалла оқсоқолларидан — кўп йиллар халқ таълими соҳасида ишлаган Махан Тотаев, Қўчқор Эргашев, маҳалла хотин-қизлар қўмитасидан Манзура Ашуртоева, тажрибали уқитувчи Зарифа Шалқарова, боғча мудираси Наталья Юлдашева, хореограф Олтиной Раҳимбердиевалар фаоллик кўрсатдилар.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ТИКУВЧИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимизнинг 19-касб-ҳунар мактабида тикувчи қизларимизнинг «Энг яхши касб эгаси» танлови бўлиб ўтди. Унда 2-курс ўқувчиларидан 10 нафар қиз қатнашди.

Мазкур беллашувга бош уста М. Сандқосимова махсус технология ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари билан биргаликда ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини тайёрладилар. Қизлар иш жойини ташкил этиш, газламага яраша ишчи ва ёрдамчи иш қуролларини танлаш, асосий ва ёрдамчи андозалардан фойдаланиш, қавиқ, чоклар сифати, тикув ва нам-иссиқлик ишлови бўйича техник ва сифат шартларига риоя қилиш каби амалий қўникмаларини намойиш этдилар. Уларнинг касб маҳоратини директор М. Исматиллаева бошчилигидаги ҳайъат аъзолари рейтинг усулида баҳоладилар.

Ўқувчи қизларимиздан Н. Шоисломова, М. Далабоева, Н. Шоазимовалар ўзларининг сифатли ишлари ҳамда юқори меҳнат унумдорлигини кўрсата олдилар.

Г. ПАНТЕЛЕЕВА,
доцент

Ayyom kundaligi

КЎКЛАМ НАШИДАСИ

Тошкент вилояти педагогика билим юртида Наврўз қувонч, ўзгача шодлик ила давом этмоқда. Масканда 1960 талабага (кундузги ва сиртқи бўлимда) 80 нафар педагог таълим бермоқда. Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим бўлимларидаги ўқувчилар ўзбек, рус ва қозоқ тилларида таҳсил олаётирлар.

Айёмга ҳар бир гуруҳ ўқувчилари катта ҳозирлик кўрганлар. Талабалар миллий ва хорижий тилларда баҳор, Наврўзга оид шеър, қўшиқ айтиб, рақсга тушдилар.

1998 йил — Оила йили деб номланди. Шу муносабат билан мазкур масканда «Оила» мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Танловда 3-гуруҳ талабаси Барно Мухашева 1, 6-гуруҳ талабаси Шаҳноза Эшонқулова 2-ўринни олишиб, республика бўйича ўтказиладиган танловга тавсия қилинди.

Шунингдек, айёмга бағишлаб деворий газеталар танлови ҳам бўлиб ўтди.

Ғолиблар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Наврўзи оламга бағишланган тантана баҳорий неъматлар билан безатилган тўкин дастурхон атрофидаги ўйин-кулгуга уланиб кетди.

Қутлуғ айёмга бағишланган тантанали шодиёна меҳри дарё устозлар ҳамда билимга чанқоқ талабалар қалбида узоқ сақланиши шубҳасиз.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Fidoiylarimiz

НУРОНИЙ УСТОЗ

Ҳар бир инсоннинг қалбида ўзи ардоқлаган нарсаларигина жой олиши табиий. Зувайдулло Ҳамдамов қалбининг тўридан жой олган нарса — мактаб. Каттақўрғон шаҳар Чордара маҳалласида туғилиб ўсган устознинг болалиги беғубор бўлсада, кувноқ кечмади. 1941 йил урушга кетган отаси бедарак йўқолди. Икки бола тақдири ёлғиз она қўлида қолди. Иродали ва эътиқодли онаизор фарзандларини ўстириб, ўқитиб, уйлантирди.

Бугунга келиб нуроний устоз Зувайдулло Ҳамдамов қирқ бир йиллик педагогик фаолияти замирида ўзига хос мактаб яратди. Ана шу мактаб тафтида сўяги қотган юзлаб шогирдлар республикамизнинг турли бурчакларида раҳбарлик, ўқитувчилик, инженерлик лавозимларида хизмат қилмоқдалар.

Каттақўрғон туманидаги 32-мактабда 10 йилдан буён раҳбарлик юкини кўтариб келаётган Зувайдулло ака таълим-тарбия жараёнида ҳам бошқаларга ўрнак. Қирқ йил бир иш устида изланиш касбига чексиз садоқат белгиси, албатта. Шунингдек, ўқитувчиликни келажак авлод тақдири деб билгувчи устоз ўта талабчан ва қаттиққўл инсон. Бу хислатлари ўз навбатида фақат яхшилик ва муваффақиятга йўналтирилган.

Самарали, кўп йиллик меҳнат натижалари — «Халқ таълими аълочиси», «Меҳнат фахрийси», «Мусобақа ғолиби» нишонлари жонкуяр муаллим кўксини безаб турибди. Зувайдулло ака турмуш ўртоғи Венера опа билан 7 фарзандни ўқимишли қилиб тарбиялади. 9 нафар набиралари даврасида 61 баҳорни қарши олаётган устозни шогирдлари, фарзандлари, набиралари ва яқинлари қутлайдилар.

Хизматнинг турли поғоналарида касбга бўлган садоқат ва меҳрдан таскин топиб яшаган Зувайдулло акадек мактаб фидойиларидан ибрат олса арзийди.

Ф. КАРИМОВ

Bolalar bog'chalarida

КЕЛАЖАК ҒУНЧАЛАРИ

Болалар суянган тоғимиздир. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 2-болалар боғчасида таълим-тарбия соғлом авлод учун дастури бўйича йўналтирилган. Жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, болаларни тўйимли, сифатли овқатлантириш, саломатлик кунларини уюштириш, чиниқтиришнинг барча турлари — қуёш, ҳаво, сувдан фойдаланиш, спорт, нептун байрамларини ўтказиш, тиббий хизматни ташкил қилиш, кичкинтойлар ҳаёти учун гигиеник талабларга мувофиқ шароит яратиш кенг йўлга қўйилмоқда.

Кичкинтойлар масканида олти ёшли болаларни мактабга тайёрлаш гуруҳига иқтисодий тарбия, инглиз тили ўргатилмоқда. Миллийлик, ўзўзини англаш борасида «Одобнома» машғулотлари олиб борилаётир. Ларда ҳадислардан намуналар, миллий урф-одатлар, таомлар тайёрлаш сингари тадбирлар ўргатилади.

Боғчада миллий бурчак ташкил қилинган. Унда уйларнинг жиҳозланиши, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари (тандир, тегирмон, жўва, супра) акс эттирилган. Бундан ташқари «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси»га оид бурчак ҳамда мазкур алифбони ўргатиш тўгараги ҳам ташкил этилган. Тўгарақда ҳар куни икки соатдан машғулот ўтказилаётир.

Туман касаба уюшмаси фаол тарбиячиларга ҳар йили Шоҳимардон, Арслонбоб, Саҳобага саёҳат уюштиришлари учун маблағ ажратади.

— Кичкинтойлар маскани атрофида, — дейди боғча мудираси Давлатхон Холмирзаева, — турли хил мева ва сабзавотлар экиб, боғчанинг моддий базасини бойитиш ниятидамиз.

Гулбаҳор НАЗАРОВА

Sport

МИНТАҚА ҒОЛИБИ - САМАРҚАНДЛИК ЁШЛАР

Самарқанд Давлат институти жисмоний тарбия ва спорт факультетининг спорт залида 1981-82 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика «Камолот» кубоги биринчилиги учун баскетбол мусобақасининг минтақавий ўйинлари бўлиб ўтди.

IV гуруҳ минтақавий ўйинларида Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилояти терма жамоалари навбатдаги босқичга қатнашиш ҳуқуқини берувчи ягона йўлланма учун баҳс юритдилар.

Қизлар мусобақасида Самарқанд вилояти терма жамоаси қизлари қашқадарёлик ва сурхондарёлик дугоналарини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгалладилар.

Ўсмирлар ўртасида ҳам Самарқанд вилояти терма жамоасига тенг келадиган топилмади. Қашқадарё вилояти терма жамоасини 74:9 ва Сурхондарё терма жамоасини 110:37 ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринни Сурхондарё терма жамоаси ўсмирлари эгалладилар.

Энди самарқандлик ўсмир ва қизлар июнь ойида Бухорода бўладиган республика «Камолот» кубоги мусобақасининг финал ўйинларида иштирок этадилар.

Шунингдек, Самарқанд вилояти Ургут туманидаги миллий ҳунармандчилик лицейи спорт залида волейбол бўйича ўсмирлар ўртасида республика «Камолот» жамғармаси кубоги мусобақасининг IV минтақада иштирок этувчи жамоаларининг ўйинлари ҳам бўлиб ўтди.

Мусобақада 1981—82 йилларда туғилган ўсмирлардан иборат Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг терма жамоалари кейинги босқичга берилувчи ягона йўлланма учун кураш олиб бордилар.

Самарқандлик волейболчи ўсмирлар Сурхондарё ва Қашқадарё терма жамоаларини бир хил — 3:0 ҳисобида енгиб, биринчи ўринни эгаллаб, республика «Камолот» кубогининг финал мусобақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Финал мусобақаси шу йилнинг июнь ойида Навоий шаҳрида ўтказилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё терма жамоаларининг ўзаро учрашуви 3:0 ҳисобида Қашқадарё терма жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

УЧРАШУВ ЗАРУРИЯТИ

Бўстонлиқ тумани Хумсон қишлоғидаги 19-мактабда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан учрашувлар мунтазам равишда ўтказилиб турилади.

Ана шундай навбатдаги учрашувда мактаб директори Нортожи Каримов ҳамда туман ИИБ участка вакиллари, милиция капитани Маҳмуджон Орипов ва Дилшод Тошметовлар туман ҳудудида шу йилги қорнинг қалин булганлиги туфайли баҳорда кунларнинг исиши ёки қаттиқ ёмғирнинг ёғиши натижасида тоғли жойларда қорларнинг эриши ва шунинг оқибатида кучки ва сел келиш каби табиий офат хавфи борлигини ўқувчиларга атрофлича тушунтирдилар. Шу боис, баҳорда мактаб ўқувчиларининг тоғларга чиқиши ман этилиши ҳамда қишлоқдаги ариқ-зовурларни тозалаб, бу ерда тозалик ва ободонлаштириш ишларини жонлантириш лозимлиги таъкидланди.

Нур АЛИ

Sport

ЗАРУР ҒАЛАБА ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Мамлакатимиз теннисчилари Сеул шаҳрида норасмий жаҳон чемпионати — Девис кубоги учун саралаш баҳсларда Жанубий Корея терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, жаҳон гуруҳига чиқиш учун курашни давом эттирадиган бўлишди.

Юртимиз шарафини О. Огородов, В. Куценко, Д. Томашевич ва Т. Ғаниевлар ҳимоя қилишди.

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН ТУС ОЛАЯПТИ

Футбол бўйича олий табақа жамоалари миллий чемпионатимизнинг 4-тур ўйинларини ўтказишди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Андижон» — 5:1, «Навбаҳор» — «Металлург» — 2:0, МҲСК — «Хоразм» — 1:4, «Нефтчи» — Темирйўлчи» — 4:2, «Дўстлик» — «Сўғдиёна» — 2:0, «Насаф» — «Сурхон» — 1:0, «Трактор» — «Бухоро» — 0:2, «Косонсой» — «Зарафшон» — 0:1.

ЗЎРЛАР САФИДА

Москва «Спартак»чиларининг УЕФА кубогидаги муваффақиятли иштироки унинг жаҳон рейтингидаги ўрнини янада кўтариб юборди. Яқинда эълон қилинган жаҳоннинг энг кучли 10 та клуби қуйидаги кўринишда бўлди:

1. Барселона
2. Лацио
3. Ривер Плейт
4. Боруссия Д
5. Ювентус
6. Интер
7. Спартак
8. Бавария
9. ПСЖ
10. Парма

МУНОСИБ РАҚИБЛАР

Атлантада Девис кубогининг яна бир гуруҳида АҚШ ва Россия жамоалари беллашди. «Юлдузлар»дан ташкил топган жамоалар ўртасидаги бу баҳс жуда қизиқарли кечди. Кўп сонли мухлислар қўллаб-қувватлаган майдон эгалари 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.

ШОВ-ШУВЛАРГА ЎРИН ЙЎҚ

Футбол бўйича Жаҳон чемпионати 2002 йилда Жанубий Корея ва Японияда ўтказилиши барчамизга маълум. Гўёки ташкилотчилар учрашувларни об-ҳаво шароити туфайли июнь-июлдан сентябрга кўчирмоқчи эмиш деган гаплар тарқалган. ФИФА бу миш-мишларнинг асоссиз эканлигини айтди.

maydonchasi

Xullas...

ДИНОЗАВРЛАР ҲИМОЯСИ

Халқаро палеонтологлар группаси ташаббусига кўра, «Динозаврларни ҳимояловчи ташкилот» тузилди. Унинг асосчиларидан бири Девид Вейсхампелнинг таъкидлашича, бу ташкилот энг қадимги судралиб юрувчи ҳайвонларни нафақат ҳимоя қилади, балки уларни тадқиқ қилиш учун сарфланадиган маблағ билан ҳам таъминлайди.

БИР ДАҚИҚА...

Америкалик тадқиқотчилар шундай хулосага келишди: французлар бир дақиқада 350 та сўз иштирокида турлича фикрларни ифода қилишади. Иккинчи ўрин эса японларда. Улар минутига 310 та сўз айтишлари мумкин. Кейинги ўринда эса немислар тураркан. Энг секин сўзловчилар Полинезия ва Малайзия аҳолиси бўлиб, улар бир дақиқада атиги 50 та сўзнинг эвини келтиришар экан. Қизиғи шундаки, бир тилда сўзлашувчи америкалик ва англияликларнинг кўрсаткичлари ҳар хил: англияликлар бир дақиқада ўртача 220 та, америкаликлар эса 150-170 та сўз айтишади.

АЧЧИҚНИНГ ФОЙДАСИ ВА ЗАРАРИ

Қалампир турли витаминларга бой, уйда ҳам ўстириш мумкин бўлган ўсимлик. Унинг ҳосили ҳам ўзига яраша фойдали ва иштаҳа очар. Ўсимлик таркибида каротин, витамин В, Е, С, калий, фосфор, темир, калций ва магний моддалари мавжуд. Қалампирнинг Волжанин, Кристалл, Қалдирғоч, Карлик ва Саломатлик деган навлари бор. Улар тезпишарлиги, хуштаъмлиги билан ажралиб туради.

Қалампирнинг инсон соғлиғи учун фойдаси борми? Албатта, у аввало иштаҳангизни карнай қилади. Қолаверса, милк ва тишнинг эмал қатламини мустаҳкамлайди, айни пайтда киши иммунитетини оширади. Хўш, зиёни-чи? Уни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш бепуштликни келтириб чиқаради ва киши серзарда бўлиб қолади.

ҚУЛОҚ ШАКЛИДАГИ ШОКОЛАД

Айтишларича, машҳур боксчи Майк Тайсон ўз рақиби Эвандер Холифильд билан тўқнашув чоғида унинг қулоғидан бир парчасини узиб олган ва уни...

...Калифорниядаги қандолатчилик фабрикаларидан бири сотувга янги конфет чиқарди: бу Тайсоннинг тиш излари қолган Холифилднинг қулоқ нусхасидаги шоколаддир. Конфет жилдида Майк Тайсон лабини ялаб, шундай деб турибди: «Сизга битта қулоқ камлик қилади. Иккитасини олинг». Кўпчилик бу конфетнинг ишқибози бўлиб қолди.

ana shunaqa gaplar

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон-Очиқ жамият институти

ҳамкорликда ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқув қўлланма яратиш бўйича конкурснинг 2-босқичини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» мавзусидаги дарслар Очиқ жамият институтига **1998 йилнинг 15 июнгача** топширилиши лозим.

Дарслар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Дарс мақсади
- Қўлланма ва материаллар
- Дарс бориши
- Қўшимча материаллар
- Дарс даври 45—90 минут
- Ёш категорияси 8—11-синфлар
- Тил ўзбек ёки рус тиллари

Конкурсда фақат Ўзбекистон фуқаролари қатнашиши мумкин. Конкурсда қатнашиш учун ўқитувчилар, китоб муаллифлари, ўрта мактаб таълими соҳасида ишловчилар ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ишловчи маҳаллий ва халқаро ташкилот вакиллари таклиф қилинади.

Энг яхши дарслар ўқув қўлланмага киритилади ва босмадан чиқарилади. Энг яхши муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи 100 АҚШ долларига тенг мукофот билан тақдирланади (Марказий Банкнинг курси бўйича Ўзбекистон сўмларида берилади).

Конкурс ҳақида батафсил ахборотни Очиқ жамият институти идорасидан олишингиз мумкин. Бизнинг манзилимиз: Тошкент, 700070, Ивлев кўчаси, 41-уй. Мўлжал: «Оксан» дўкони.

Телефонлар (3712) 406854, 556160, 548243. Электрон почтаси: <shakhlo@osi. freenet.uz>

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент Маънавият жамоатчилик маркази ҳамда Ўзбекистон-Очиқ жамият институти «Терра Инкогнита» ёзги лагерида иштирок этиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лагерь Ўзбекистон мактабларининг 9—10-синф ўқувчилари учун шу йил июль ойининг иккинчи ярмида ташкил этилади. Бу лагерь юқори синф ўқувчиларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги билимларини чуқурлаштиришга ва уларга Карл Попперниг Дебатлар дастурини ўргатишга мўлжалланган.

Танловда қатнашиш учун қуйидагилар талаб этилади:

1. Исм, фамилияси, отасининг исми, туғилган йили, мактаби, туман (шаҳар), вилоят, ўқиш тили, жинси, уй манзили, телефони каби маълумотлар акс этган шаклдаги ариза.

2. «Эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлими? Асосланг» деган мавзуда умумий ҳажми 400 сўздан ошмаган иншо ёзиш.

3. Психологик суҳбатдан ўтиш.

Аризаларни Халқ таълими вазирлигига ёки Ўзбекистон — ОЖИга 1998 йил 27 апрелдан кечикмай топшириш лозим.

Тўлиқ маълумотни Ўзбекистон — Очиқ жамиятлар институтидан олишингиз мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: 700070, Ивлев кўчаси 41-уй. (Мўлжал: «Океан» дўкони).

Тел. (факс (3712) 406854, 556160, 548243. Электрон почта:

< shaklo@ osi. freenet. uz>

ЭЪЛОН

Иккинчи жаҳон урушининг 2-гуруҳ ногирони Шонин Василий Дмитриевич номига берилган №002921 рақамли гувоҳноманинг шаҳар транспортида бепул юриш ҳуқуқини тасдиқловчи иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Яккасарой туман ҳокимияти томонидан истеъмол моллари савдоси учун Темиров Сидиқ номига берилган 1102095 рақамли хусусий тадбиркор гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Усмон Носир номидаги 241-мактаб педагогик жамоаси шу мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Юрий Борисович Гершовичга отаси Борис Юделеевич ГЕРШОВИЧ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Дилбар ХЎЖАЕВА,
Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-011140. Тиражи 59313. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6